

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭЖИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АРИПОВА ШАХНОЗА РАХМАНОВНА

**ҚОВОҚЧА (*CUCURBITA PEPO L.*) НАВ НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАШ
ВА УРУҒЛИК МЕВАЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Арипова Шахноза Рахмановна

Қовоқча (*Cucurbita pepo* L.) нав намуналарини танлаш ва уруғлик
меваларини етиштиришнинг технологик элементларини
такомиллаштириш..... 3

Арипова Шахноза Рахмановна

Подбор сортообразцов и совершенствование элементов технологии
выращивания семенных плодов кабачка (*Cucurbita pepo* L.)..... 23

Aripova Shakhnoza Rakhmanovna

Selection of variety samples and improvement of technology elements for
growing seed fruits of squash (*Cucurbita pepo* L.) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭЖИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АРИПОВА ШАХНОЗА РАХМАНОВНА

**ҚОВОҚЧА (*CUCURBITA PEPO L.*) НАВ НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАШ
ВА УРУҒЛИК МЕВАЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx616 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	Дусмуратова Саодат Исмаиловна қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Хакимов Рафиқжон Абдунабиевич қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Автономов Виктор Александрович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Асатов Шухрат Исматович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти.

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111218, Тошкент вилояти, Университет кўчаси, 1 уй. Тел.: (+99871) 150-62-78; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: rahtaуз@mail.ru; Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Бош бинноси, 3-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялар илмий-тадқиқот институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111218, Тошкент вилояти, Университет кўчаси, 1 уй. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялар илмий-тадқиқот институти кутубхонаси. Тел.: (+99871) 746-47-60).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Э.Равшанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., к.и.х.

А.Ё.Курбонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.д., к.и.х.

А.Б.Амантурдиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Аҳолининг озиқланишида сабзаёт маҳсулотлари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда ва шу сабабли республикада ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. «FAOSTAT»¹ дан олинган маълумотларга кўра (2020), қовоқ ва қовоқчани жаҳон бўйича ишлаб чиқарилиши 35,4 млн. тоннани ташкил этган. Қовоқ ва қовоқчани ишлаб чиқариш бўйича етакчи мамлакатлар қаторига Хитой (7,48 млн.т), Ҳиндистон (5,11 млн. т.), Украина (1,27 млн. т.), Россия (1,14 млн. т.) ва АҚШ (1,05 млн. т.)ни киритиш мумкин. Мамлакатлар миқёсида бу экинларнинг ўртача ҳосилдорлиги 20,7 т/га, Бахрейнда 74,0 т/га, Индонезияда 68,0 т/га, Испания, Хитой ва Польшада 41,6 т/га дан 49,8 т/га ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида қовоқ ва қовоқча экинлари эгаллаган умумий майдони 9571 минг гектарни, ялпи ҳосил 180,0 минг тоннани ва ўртача ҳосилдорлик 18,8 т/га ни ташкил қилади. Озиқ моддалар ва витаминларга бой қовоқча маҳсулотларига ички ва ташқи бозор талабининг ортиб бориши сабабли юқори маҳсулдор навларни жорий этиш ва уруғчилигини ташкил қилиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Дунёда қовоқча ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотларда селекция учун бирламчи манбаларни ажратиш, комплекс қимматли хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга бўлган янги маҳсулдор навларни яратиш, шунингдек маҳсулот ва уруғлик учун қовоқча меваларини етиштириш технологиясини такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда АҚШ, Италия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Япония ва Россияда қовоқчанинг ихчам палакли, меваларининг турли рангдаги ва шаклдаги навларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ишлаб чиқаришдаги мавжуд ассортимент – 10 та хорижий F₁ дурагайлар ва 3 та маҳаллий Греческие 110, Унумдор ва Ғайрат навларидан иборат. Экин ассортиментини кенгайтириш ва республикада уруғчиликни йўлга қўйиш учун юқори маҳсулдор, ихчам палакли навларни танлаш ва селекциясини олиб бориш ҳамда уруғлик меваларни етиштириш технологиясини такомиллаштириш долзарб илмий йўналиш ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сонли «Ўзбекистон Республикасида мевасабзаётчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»² ги Фармони; 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли «Мевасабзаётчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар

¹ FAOSTAT Statistics Database. FAO, Rome, Italy. <http://www.fao.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мевасабзаётчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

тўғрисида»³ ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 майдаги 282-сонли «Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари турларининг миллий генбанкни яратиш тўғрисида»⁴ ги қарори, шунингдек, бу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Америка Қўшма Штатларида Н.С. Paris қовоқчанинг морфологик ва хўжалик қимматли белгиларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борган; Robert Westerfield (АҚШ), Rosie Lerner В. (АҚШ), Michael N. Dana. (АҚШ), R.N. Rashmi (Хиндистон), К. Sato-Nara (Япония), К. Yuhashi (Япония), К. Higashi (Япония) олимлари қовоқчанинг юқори ҳосилдор нав ва дурагайларини танлаш бўйича, Японияда К. Hosoya – турли экиш муддатларида маҳсулот етиштириш бўйича, М. Kubota ва Н. Ezura – уруғлик қовоқча меваларини етиштиришга оид илмий тадқиқотлар бажаришган. Россияда И.В. Ермоленко қовоқчани турли экиш муддатларини ўрганган, М.В. Долженко, С.Д. Соколов – баҳорги экин экиш муддати учун навлар танлаш, С.В. Кузьмин – уруғлик қовоқча меваларини етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича, ҳамда Н.В. Смурова (Молдова) қовоқчанинг морфологик ва хўжалик қимматли белгиларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказган. Ўзбекистонда М.Н. Кулакова ва Ш. Жабборовлар томонидан қовоқча навларини танлаш, уларнинг морфо-биологик белгилари ва хусусиятларини ўрганиш, экиш муддатлари ва схемалари бўйича, нав технологиясини такомиллаштиришга оид тадқиқотлар бажарилган.

Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароити учун илк бора 1950-йилда М.Н. Кулакова томонидан қовоқчанинг Греческие 110 нави яратилган ва районлаштирилган. Ўсимликшунослик ИТИ томонидан 2015-2016 йилларда қовоқчанинг Унумдор ва Гайрат номли узун палакли навлари районлаштирилган. 1989 йилда Ш.Жабборов Зарафшон воҳасида қовоқчани етиштиришда 20 апрелни мақбул муддат деб, тавсия этган. Республикамизда иқлим шароитининг ўзгариши ва аҳоли сонининг кўпайиши ҳисобига истеъмолнинг ортиши муносабати билан бугунги кунда қовоқчанинг

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 майдаги 282-сон «Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари турларининг миллий генбанкни яратиш тўғрисида»ги Қарори.

селекцияси ва уруғчилиги ҳамда уруғдан ва кўчатдан экишнинг мақбул муддатларини белгилаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Бугунги кунгача Ўзбекистонда қовоқчани маҳсулот учун ҳамда экинбоп уруғларини етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий ишлар олиб борилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда диссертацияда: - Тошкент вилояти шароитида етиштиришга мос навларни танлаш; - агротехника ишларини энгиллаштириш учун ихчам палакли навларни ажратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш; - қовоқчанинг уруғлик меваларини етиштириш усуллари; - экиш муддатларини белгилаш бўйича тадқиқотлар натижалари баён этилган. Бу эса, шубҳасиз, уруғчиликни ривожлантириш, парҳезбоп қовоқчанинг маҳсулотларига ички ва ташқи бозор талабларини қондириш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, баҳорги ва такрорий экин экиш муддатларида маҳсулот ва уруғлик меваларни етиштиришга хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг грантлари асосида №ҚХА-8-028-2015 «Сабзавот, полиз экинларини юқори ҳосилдор, мева сифати яхши бўлган, касалликларга чидамли навлар селекцияси» (2015-2017 йй.) ва №ҚХ-А-ҚХ-2018-118 «Сабзавот, полиз экинларини транспортбоп, экспорт учун мос, мева сифати яхши, юқори ҳосилдор, касалликларга чидамли навларини яратиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган⁵.

Тадқиқотнинг мақсади баҳорги ва ёзги экиш муддатларида қовоқчанинг ихчам палакли, юқори маҳсулдор нав ва дурагайларини баҳолаш ва ажратиш; селекция учун қовоқчанинг навларини танлаш ҳамда эртаги маҳсулотни ва уруғлик меваларини кўчатдан ва уруғдан етиштириш усуллари қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

баҳорги ва ёзги экиш муддатларида қовоқчанинг нав ва дурагайларини комплекс ўрганиш;

қовоқчанинг юқори маҳсулдор, тезпишар, ихчам палакли нав намуналарини келгусидаги селекция ишлари учун танлаш;

қовоқчанинг ихчам палакли янги навларини яратиш;

баҳорги экиш муддатида эртаги маҳсулот етиштириш учун қовоқчанинг истиқболли тизмаларини (навларни) уруғдан ва кўчатдан экишнинг мақбул муддатларини белгилаш;

турли экиш муддатларида кўчатдан ва уруғдан етиштириш усулларида қовоқчанинг ўсиш ва ривожланиш фазаларига, уруғлик мева ҳосилдорлиги,

⁵ <http://sabzavot-ilm.uz>.

уруғ ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда районлаштирилган Греческие 110, Унумдор ва Гайрат навлари, чет давлатлардан келтирилган 32 нав намуналари, қовоқчанинг янги истиқболли ихчам палакли тизмалари, уруғларнинг экинбоплик сифатларини аниқлаш учун уруғлар ҳизмат қилди.

Тадқиқотнинг предмети қовоқчани (*Cucurbita pepo* L.) баҳорги ва такрорий муддатда нав намуналарини танлаш ҳамда уруғлик меваларини етиштириш технологиясини элементларини ишлаб чиқиш; қовоқчанинг истиқболли тизмаларини эртаги маҳсулот олиш ва уруғлик меваларини етиштириш учун баҳорги муддатда кўчатдан ва уруғдан экиш муддатлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қовоқча экини бўйича тадқиқотлар қуйидаги услубий кўрсатмаларга мувофиқ олиб борилди: Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси» (2002), Белик В.Ф. «Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве» (1992), О'zDSt 2823:2014 (Семена сельскохозяйственных культур. Сортовые и посевные качества. Технические условия), ГОСТ 53084-2008 (Технические условия кабачка «Кабачки свежие, реализуемые в розничной торговле» (ЕЭК ООН FFV-41:2003 (UNECE STANDARD FFV-41:2003)), Методические указания ВИР по изучению и поддержанию мировой коллекции тыквенных культур (кабачок) (1977). Маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А. Доспеховнинг (1985) дисперсион усули бўйича Microsoft Excel дастурида бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, илк бора:

Тошкент вилояти шароитида келиб чиқиши турли хил бўлган қовоқчанинг нав намуналари баҳорги ва ёзги экиш муддатларида ўрганилган, улар морфологик ҳамда хўжалик қимматли белгилари бўйича баҳоланган;

ўрганилган навлардан юқори маҳсулдорлиги, мева ранги (яшил ва тўқ-яшил), палак шакли (ихчам палакли) ва уруғ чиқишига кўра селекцияда фойдаланиш учун танлаб олинган;

қовоқчанинг 0044SQ (Голландия) ва ВТ+КВ-001 (Туркия) намуналаридан ихчам палакли, юқори маҳсулдор, мевалари чўзинчоқ, тўқ яшил рангли LH-1916 (Вириди) ва мевалари думалоқ, оч яшил рангли LZ-2513 (Орбита) тизмалари аналитик селекция усули билан яратилган;

эртаги маҳсулот ва уруғлик меваларни олиш мақсадида баҳорги муддатда истиқболли қовоқча тизмаларини уруғидан ва кўчатидан экишнинг мақбул муддатлари (кўчатидан етиштириш усулида 1 - 10 апрел, уруғдан етиштиришда - 1 апрел) аниқланган;

қовоқчани экиш усуллари ва муддатларининг ўсимликларнинг фазалараро ривожланишига ҳамда уруғлик мевалар ҳосилдорлиги ва уруғ маҳсулдорлигига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятида баҳорги ва ёзги экиш муддатларида етиштиришга мос қовоқчанинг нав ва дурагайлари танланган;

келгусидаги селекция ишлари учун қовоқчанинг юқори маҳсулдор, тезпишар, ихчам палакли навлари ажратиб олинган;

қовоқчанинг истиқболли ихчам палакли LH-1916 ва LZ-2513 тизмалари селекцион танлов орқали яратилган;

қовоқчанинг истиқболли Вириди ва Орбита навлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига патент олиш учун топширилган;

эрта маҳсулот олиш ва уруғчиликни ташкил этишда қовоқчани кўчатдан ва уруғдан экиш муддатлари бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги, илмий ҳисоботларнинг СПЭваКИТИ илмий кенгашида муҳокама этилганлиги, олинган натижаларнинг статистик ишлов берилиши ва жорий этилиши, тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда ва инновацион ярмаркаларда баён этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти баҳорги ва ёзги муддатларда етиштиришга мос қовоқчанинг юқори маҳсулдор нав намуналари баҳоланган ва ажратилганлиги, коллекциядан селекция учун қовоқчанинг ихчам палакли шакллари танлаб олинганлиги, эртаги маҳсулот ва уруғлик меваларини олиш мақсадида баҳорги муддатда кўчатдан ва уруғдан етиштиришнинг мақбул муддатлари аниқланганлиги ҳамда қовоқчанинг уруғлик меваларини етиштиришда коррелятив боғлиқликлар аниқланганлигидан иборат.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти - қовоқчанинг Тошкент вилоятида етиштиришга мос бўлган нав ва дурагайлари танланган, селекцион танлов орқали истиқболли ихчам палакли LH-1916 (Вириди) ва LZ-2513 (Орбита) янги тизмалари (навлари) яратилиб, патент олиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк Агентлигига аризалар топширилган, эрта маҳсулот олиш ва уруғчиликни ташкил этиш учун баҳорги муддатда қовоқчани кўчатидан ва уруғидан етиштиришнинг мақбул муддатлари ва усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент вилоятида қовоқча нав намуналарини танлаш ва уруғлик меваларини етиштиришнинг технологик элементларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар натижасида:

қовоқчанинг янги яратилган истиқболли LZ-2513 (Орбита номи билан, NAP 20200087) ва LH-1916 (Вириди номи билан, NAP 20200088) тизмаларига патент олиш учун ҳужжатлар шакллантирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк Агентлигига талабномалар топширилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 29 декабр 2020 йилдаги 02/029-4677 сонли маълумотномаси). Янги навларнинг ҳосилдорлиги

қиёсий Унумдор навига нисбатан 12,4-25,8% га юқори бўлган ва рентабеллик даражаси 43,5-52,3 % ни ташкил этган;

«Қовоқча (*Cucurbita pepo* L.) мевалари ва уруғларини етиштириш технологияси бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 29 декабр 2020 йилдаги 02/029-4677 сонли маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиялар бугунги кунда фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа эгалари қовоқчани етиштириш ва ундан юқори ҳосил олишда қўлланма сифатида фойдаланмоқда;

тадқиқот натижалари 2019-2020 йй. жами 13,4 га, шундан Самарқанд вилоятида - 3,5 га, Андижон вилоятида - 5 га, Наманган вилоятида - 0,9 га ва Тошкент вилоятида - 4 га сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари майдонларида жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 29 декабр 2020 йилдаги 02/029-4677 сонли маълумотномаси). Натижада бир гектар майдондан 7,8-12,5 млн.сўм даромад олинган ва рентабеллик 43,5-73,5 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, шу жумладан хорижий журналларда 4 та, халқаро конференцияларда 5 та ва республика илмий-амалий анжуманлари материалларида 3 та мақола ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мавзуси Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги ёритилган, мавзу бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, диссертация изланишларининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ва уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши келтирилган, ишнинг апробацияси ва натижаларининг чоп этилганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг биринчи «**Қовоқчанинг аҳамияти, биологик хусусиятлари, мева ва уруғ етиштириш технологияси**» деб номланган бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий муаллифларининг ва мамлакатимиз олимларининг адабий манбалари шарҳланган. Жумладан,

қовоқчанинг ботаник таснифи, биологик хусусиятлари, экиннинг экологик омилларга муносабати, қимматли хўжалик белгилари, шифобахшлик хусусиятлари баён этилган. Қовоқча навлари ва дурагайлари селекция учун бирламчи манба сифатида келтирилган, қовоқчани етиштириш технологияси ҳамда уруғчилиги бўйича адабиёт маълумотлари келтирилган. Ўрганилган манбалар асосида диссертациянинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.


Диссертацияни иккинчи «**Тажриба ўтказиш жойи, шароитлари ва услублари**» бобида тадқиқотлар олиб борилган жойнинг тупроқ-иклим шароити хусусиятлари; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объектлари, манбалари ҳамда усуллари берилган. “Тадқиқот услуги” бўлимида ишлаб чиқилган мавзу бўйича ҳар бир тажрибани ўтказиш услублари; дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовларни бажариш ва олинган экспериментал тадқиқот маълумотларини ҳисоблаш тартиби баён этилган. Тадқиқотлар қуйидаги услубий қўлланмаларга мувофиқ олиб борилган: Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. “Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси” (2002), Белик В.Ф. “Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве” (1992), О’зДСт 2823:2014 (Семена сельскохозяйственных культур. Сортовые и посевные качества. Технические условия), ГОСТ 53084-2008 (Технические условия кабачка «Кабачки свежие, реализуемые в розничной торговле» (ЕЭК ООН FFV-41:2003 (UNECE STANDARD FFV-41:2003)), Қовоқдош экинларини ўрганиш ва жаҳон коллекциясини сақлаб бориш бўйича услубий кўрсатмалар (қовоқча) (Методические указания ВИР по изучению и поддержанию мировой коллекции тыквенных культур (кабачок) (1977). Маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А. Доспеховнинг (1985) дисперсион усули бўйича Microsoft Excel дастурида бажарилган.

Диссертациянинг учинчи «**Баҳорги ва ёзги муддатда экиш учун қовоқча (*Cucurbita pepo* L.) нав намуналарини танлаш**» деб номланган бобида турли экологик-географик ҳудудлардан келиб чиққан нав намуналарининг қимматли хўжалик белгилари: тезпишарлик ва ҳосилдорлик бўйича танлаш ва ажратиш, синалган нав намуналарни қиёсий баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Бу бўлимда баҳорги муддатда етиштиришга мос қовоқчанинг 30 та нав намуналарни ва дурагайлари ўрганишга оид маълумотлар ёритилган. Стандарт сифатида Греческие 110 нави танлаб олинган. Тадқиқотларда қовоқчанинг давлат реестрига киритилган Унумдор ва Ғайрат навлари, 2 та Нидерландия (Кавили F₁ и Арал F₁) дурагайлари, қолган 25 та Россия Федерациясидан келтирилган намуналар ўрганилган.

Ҳосилни аниқлаш бўйича ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, Негритенок, Фараон, Белоплодный, Ғайрат, Блэк цуккини, Ерёма, Генерал, Карина, Тинторетто нав намуналари ва Кавили F₁, Арал F₁ дурагайлари энг юқори ҳосил (қиёсий-навга нисбатан 106,4-172%) берганлиги қайд этилди.

Умумий ҳосил таркибидаги эртаги ҳосил миқдори дастлабки 15 кун ичида олинган ҳосилдорлик ҳисобига аниқланган. Бунда Тинторетто нави энг

юқори эртаги ҳосил берганлиги қайд этилган. Ушбу навадан 17,0 т/га эртаги ҳосил олинган, бу қиёсий-нав Греческие 110 навага нисбатан 199,7% ташкил этган. Эртаги ҳосил ҳажми Арал F₁ дурагайидан 15,1 т/га ёки қиёсий-навга нисбатан 177,6%; Карина навадан 10,8 т/га ёки қиёсий-навга нисбатан 127,2%; Белоплодный навадан 10,7 т/га ёки қиёсий-навга нисбатан 126,2% ташкил этган. Генерал, Завтрак нефтяника, Фараон, Блэк цуккини, Ғайрат навлари ва Кавили F₁ дурагайининг эртаги ҳосили Греческие 110 қиёсий-навга нисбатан 6,9-22,7 фоизга юқори бўлди (1-расм).



1-расм. Баҳорги муддатда ўрганилган нав намуналарининг ўртача умумий ҳосили, товарбон ва эртаки ҳосил ҳажми (2013-2014 йй.)

Ёзги экинда нав намуналарига қиёсий баҳо берилганида қайд этилишича, ёзги экиш муддатида Тинторетто навадан энг юқори ҳосил (29,4 т/га, қиёсий-навга нисбатан 173%) олинган ва товарбон ҳосил ҳажми 26,7 т/га ташкил этган. Стандартга нисбатан юқори умумий ҳосил 20,6 т/га (қиёсий навга нисбатан 121%) Арал F₁ дурагайидан олинган.

Диссертациянинг тўртинчи «Қовоқча навларини танлаш ва янги қовоқча тизмаларини яратиш» деб номланган бобида қовоқчанинг ихчам палакли шакллари ажратиш, шунингдек, ўрганилаётган навларнинг уруғ чиқиши ва уруғ маҳсулдорлиги бўйича тадқиқот натижалари ҳақида маълумот берилган. Тадқиқотлар Унумдор қиёсий нав ва мамлакатимизда яратилган Ғайрат ҳамда Россия Федерациясидан келтирилган 18 та навлар билан ўтказилган.

Ихчам палакли навларни ажратиш учун ўтказилган биометрик ўлчовлар кўрсатишича, Завтрак нефтяника, Деликатес, Крокодил Гена, Генерал, Ролик, Золотинка, Блэк цуккини, Маркиза, Серый Кординал, Скворушка, Ерёма ва Тинторетто навларининг асосий пояси узунлиги 1 м дан кам бўлган ҳамда улар ихчам палакли шаклга эга эканлиги қайд этилди. Ҳосилдорлик

кўрсаткичлари аниқланганида маълум бўлдики, юқори умумий ҳосил Тинторетто навида - 47,7 т/га, Карина - 33,7 т/га, Завтрак нефтяника - 32,8 т/га бўлиб, қиёсийи навга нисбатан 33,3-93,9 % юқори ҳосил берган.

Сифатли уруғ олиш мақсадида қовоқча навларини ўстиришда ҳар битта ўсимликда 1 тадан уруғлик мева қолдирилган, янги тугилган мева тугунчалари олиб ташланган. Ўрганилган навлар ичида уруғлик мевалар ҳосилдорлиги бўйича қиёсий-нав Унумдор нави энг юқори кўрсаткичга эга бўлган (49,9 т/га). Уруғлик мевалар ҳосилдорлиги бўйича бу навдан кейин Карина ва Ғайрат – 38,4 т/га, Скворушка – 36,5 т/га, Серый Кардинал – 34,5 т/га, Крокодил Гена, Негритенок, Спагетти Равиоло и Тинторетти – 30,7 т/га ҳосил берган, энг кам 21,1 т/га ҳосил Макаронный навидан олинган.

Ҳар бир мевадан чиқадиган ўртача уруғ миқдори бўйича навлар баҳоланганида, уруғ чиқиши мева шаклига боғлиқ бўлмаганлиги аниқланган. Ўрганилган навлар ичида қиёсий-нав Унумдор навида битта мевадан уруғ чиқиши энг юқори - 32,3 г. ташкил этган, энг кам уруғ чиқиши эса Генерал навида бўлган (5,9 г.). Қолган навлар кўрсаткичлари қуйидаги ораликда: Ролик навида 28,1 г., Карина - 24,8 г., Серый Кардинал - 24,3 г. ва Негритенок - 22,2 г. бўлганлиги қайд этилди. Ушбу навларда мевалар вазнига нисбатан уруғ чиқиши фоиз ҳисобида юқори бўлганлиги (1,2-1,7%) қайд этилди.

Ушбу бобда селекцион танлов асосида ажратиб олинган қовоқчанинг ихчам палакли LZ-2513 ва LH-1916 тизмаларини яратиш натижалари кўрсатилган.

Қовоқчани юқори ҳосилдор, ноанъанавий думалоқ шаклдаги LZ-2513 тизмаси ёки Орбита нави 0044SQ (Голландия) намунасида аналитик селекция ёрдамида ажратиб олинган. Ўсимлик эртапишар, ихчам палакли, уруғ униб чиқишидан то биринчи мева теримигача бўлган давр 44 кун. Асосий поя узунлиги 75-90 см, барг банди узун 25-30 см, барглари йирик 20-22 см, юзаси юраксимон, беш қиррали, яшил рангли, тиканли туклари мавжуд. Гуллари йирик, бир уйли, қўнғироқ шаклида, ёрқин сариқ рангли. Мевалари техник пишган даврда яшил рангли, вазни 275-296 г., биологик етилган даврда сариқ рангли, яшил доғли ва вазни 1300,0-1420,0 г. ни ташкил этади. Уруғ чиқиши 1,7-1,9 %. Мева ҳосилдорлиги 20,2-21,4 т/га. Ташишга чидамли (2-расм).



2-расм. LZ-2513 тизмаси.

Қовоқчани эртапишар (биринчи мева теримиға 44 кун) LH-1916 тизмаси ёки Вириди нави ВТ+КВ-001 (Туркия) намунасидан аналитик селекция ёрдамида ажратиб олинган. Палак шакли ихчам, узунлиги 70-90 см, барг банди 22-28 см, барглари йирик 20-24 см ва ўрта қирқимли, тўқ ва оч яшил тусли, оқ доғли, тикансимон тукли. Гуллари йирик, бир уйли, кўнғирок шаклда, ёрқин тўқ сариқ рангли. Мевалари тўқ яшил рангли, ёш меваларининг вазни 203,0-213,0 г. ва уруғлик меваларининг вазни 1200,0-1430,0 г. ни ташкил этади. Уруғ чиқиши 1,7-1,9 %. Мева ҳосилдорлиги – 18,5-19,3 т/га. Ташишга чидамли (3-расм.).



3-расм. LH-1916 тизмаси.

Қовоқчанинг LZ-2513 ва LH-1916 тизмаларини яратиш жараёни бир неча йиллар давомида ва полиз экинлари селекцияси схемасига мувофиқ олиб борилган (1-жадвал).

1-жадвал

Қовоқчанинг LZ-2513 ва LH-1916 тизмаларини яратиш жараёни

№	Жараённинг номланиши	Йиллар
1	Бошланғич манба боғчасида қовоқчанинг 0044SQ (Голландия) ва ВТ+КВ-001 (Туркия) намуналарини ўрганиш ва муҳим селекцион аҳамиятга эга LZ-2513 ва LH-1916 ни танлаш.	2013 й.
2	Муҳим селекцион аҳамиятга эга истиқболли намуналар оилаларини 1-чи ва 2-чи йилларда селекцион боғчада баҳолаш.	2014-2015 йй.
3	Истиқболли тизмаларни, яратилган ҳақиқий нав бўлган Орбита (LZ-2513) ва Вириди (LH-1916) навларини оригинал манбаларини баҳолаш, селекция-уруғчилик ишларини олиб бориш.	2016-2018 йй.
4	Яратилган ҳақиқий нав бўлган оригинал манбаларни танлов синовини олиб бориш.	2019-2020 йй.
5	Қовоқчанинг Орбита (LZ-2513) ва Вириди (LH-1916) яратилган янги навларига патент олиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк Агентлигига аризаларни топшириш.	2020 й.

“Истиқболли тизмаларнинг танлов нави синови” бўлимида янги яратилган LH-1916 ва LZ-2513 тизмаларнинг танлов синови (2019-2020 йй.) натижалари келтирилган. Унумдор нави қиёсий нави сифатида хизмат қилган.

LZ-2519 тизмасида ўсув даври 44 кунни, LH-1916 45 кунни ва Унумдор навида 48 кунни ташкил этди. Биринчи меванинг етилиши қиёсий навига нисбатан LH-1916 тизмасида 3 кун олдин, LZ-2519 тизмасида эса 4 кун олдин қайд этилган.

Ҳосилни ҳисоблаш натижалари кўрсатишича, ўрганилган тизмалар умумий ҳосилдорлик бўйича Унумдор қиёсий-навига (16,9 т/га) нисбатан устун бўлган. LZ-2513 тизмаси серҳосил бўлиб (20,8 т/га ёки қиёсий-навига нисбатан 123,1%) устунлигини кўрсатган, LH-1916 тизмасида эса умумий ҳосилдорлик 18,9 т/га ёки қиёсий-навига нисбатан 111,8% бўлгани қайд этилган.

Танлов синовида ўрганилган тизмалар орасида қовоқча меваларининг энг юқори товарбоп ҳосили LZ-2513 тизмасида қайд этилган, ўртача икки йиллик товарбоп ҳосил 18,3 т/га ёки қиёсий-навига нисбатан 125,8% бўлган. LH-1916 тизмасида меваларнинг икки йиллик ўртача товарбоп ҳосили 16,4 т/га, ёки қиёсий-навига нисбатан 112,4% бўлди. Қиёсий-навининг товарбоп ҳосили кам бўлиб, 14,6 т/га ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Истиқболли ихчам палакли LH-1916 ва LZ-2513 қовоқча тизмаларининг танлов синовида мевалар ўртача вазни ва ҳосилдорлиги (2019-2020 йй.)

Йиллар, кўрсаткичлар	Нав, тизмалар			Статистик таҳлил натижалари	
	Унумдор (st)	LH-1916	LZ-2513	НСР ₀₅	S \bar{x} %
Ёш меванинг ўртача оғирлиги, г					
2019 й.	185,0	203,0	275,0	12,5	1,4
2020 й.	201,0	213,0	296,0	13,3	1,3
ўртача	193,0	208,0	285,5		
стандартга нисбатан %	100,0	107,8	147,9		
стандартга нисбатан ±	-	+15,0	+92,5		
Ёш меваларнинг умумий ҳосили, т/га					
2019 й.	16,6	18,5	20,2	1,47	8,0
2020 й.	17,2	19,3	21,4	1,41	7,3
ўртача	16,9	18,9	20,8		
стандартга нисбатан %	100	111,8	123,1		
стандартга нисбатан ±	-	+2,0	+3,9		
Ёш меваларнинг товарбоп ҳосили, т/га					
2019 й.	14,9	16,7	18,6	1,7	1,0
2020 й.	14,2	16,0	18,0	1,3	1,4
ўртача	14,6	16,0	18,3		
стандартга нисбатан %	100,0	112,4	125,8		
стандартга нисбатан ±	-	+1,4	+3,7		

Диссертациянинг бешинчи «Қовоқчанинг эрта маҳсулот ва уруғлик меваларини етиштириш технологияси элементларини ишлаб чиқиш» деб номланган бобида қовоқча уруғини экиш муддатлари ва усулларини бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. Янги яратилган тизмаларни селекция материали сифатида тўлароқ ўрганиш ҳамда уларни кейинчалик кўпайтириш учун қовоқча уруғларини етиштиришнинг муддати ва усуллари бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

LZ-2513 ва LH-1916 тизмалари уруғлик мевалари ҳосилдорлигига кўчатдан ва уруғдан экиш муддатларининг таъсирини аниқлаш мақсадида 4 та экиш муддатлари ўрганилган: 1 апрел (I муддат), 10 апрел (II муддат), 20 апрел (III муддат) ва 30 апрел (IV муддат).

Тадқиқотлар кўрсатишича, ўрганилган тизмалар III-IV экиш муддатларида эрта гуллагани (майсалашдан то гуллашгача 47-52 кун) қайд этилган, бу эса кўчатдан экишнинг I ва II – муддатлари (1 апрел ва 10 апрел) га нисбатан 3-8 кунга эртароқдир.

20 апрел ва 30 апрелда кўчатдан экиш усулида мевалар етилиши эрта бўлгани қайд этилди (майсалашдан 54-59 кун ўтгач). Кўчатдан экишнинг I ва II муддатларига нисбатан мева етилиши 3-8 кунга илгариланган. Бундай ҳолатни содир бўлиши шундан далолат берадики, экиш муддатларини орқага суриш натижасида ўсимликлар ҳароратларнинг қулай шароитларга тушиб ривожланиши билан белгиланади.

LZ-2513 ва LH-1916 тизмаларини кўчатсиз усулда етиштириб таққослаб ўрганилганида маълум бўлдики, майсалаш тезлиги бўйича барча ўрганилган муддатларда фарқ кузатилмади, бунда майсалар 7-9 кунда пайдо бўлган.

Ўсимликларнинг оталик гуллари гуллаши юзасидан ўтказилган кузатувлар кўрсатишича уруғлар қанча эрта экилса, гуллаш фазасига шунчалик кеч киришган. Оналик гулларининг очилишида I ва II – муддатлар орасида фарқ 2-3 кунни ташкил этган; II ва III муддатлараро фарқ сезилмаган, III ва IV муддатларда ушбу фарқ 2 кунни ташкил этган. Натижада, I ва IV экиш муддатлари орасидаги фарқ 5 кунни ташкил этган.

Эрта муддатларда уруғдан ва кўчатдан етиштиришда маҳсулот эрта етилади, асосий ҳосил май ойида шаклланади ва июнь ойининг 3-чи ўн кунлигигача деярли экин майдонини бўшатилади ва такрорий экинларни етиштириш имконини беради.

Ушбу бобда қовоқчанинг уруғлик меваларини етиштиришга оид экспериментал маълумотлар келтирилган. Қовоқчанинг LZ-2513 ва LH-1916 тизмалари кўчатдан етиширилганда I- муддатда июнь ойининг 1-чи ўн кунлигида, II- муддатда июнь ойининг 2-чи ўн кунлигида, III-муддатда июнь ойининг 3-чи ўн кунлигида уруғлик мевалари етилган. Июль ойининг 1-чи декадасида IV-муддатда кўчатдан ва I-муддатда уруғдан экилган қовоқчани иккала тизманинг уруғлик мевалари йиғиб олинган. Уруғдан экилганда II ва III-муддатлардаги уруғлик мевалар июль ойининг 2-чи ўн кунлигида, IV-муддатдаги июль ойининг 3-чи декадасида йиғиб олинган (3-жадвал).

**Қовоқча тизмаларини турли муддатларда кўчатдан ва уруғдан
етиштиришда маҳсулот ва уруғлик меваларининг етилиши
(2016-2019 йй.)**

Уруғ ва кўчат экиш муддати		Кўчатдан етиштириш усули				Уруғдан етиштириш усули			
		1.04	10.04	20.04	30.04	1.04	10.04	20.04 (к)	30.04
Қовоқча меваси етилиши									
май	I-ўн кунлик								
	II-ўн кунлик								
	III-ўн кунлик								
июн	I-ўн кунлик								
	II-ўн кунлик								
	III-ўн кунлик								
Қовоқча уруғлик меваларининг етилиши									
июн	I-ўн кунлик								
	II-ўн кунлик								
	III-ўн кунлик								
июл	I-ўн кунлик								
	II-ўн кунлик								
	III-ўн кунлик								


Қовоқчанинг LZ-2519 тизмасида уруғлик мевалар вазни аниқланганида маълум бўлдики, кўчатдан етиштириш усулида экиш муддатларини орқага сурилгани сайин уруғлик мева вазни ошиб борган, яъни 1.04 муддатида нисбий минимал массали 1349,1 г., 30 апрелда кўчат экилганида энг йирик мевалар 1403,3 г., кўчатсиз усулда (уруғдан) 10 апрелда экилганида максимал уруғлик массаси 1406,7 г., 20.04 экиш муддатида эса уруғлик мева массаси энг кам – 1355,0 г. ни ташкил этган.

Кўчатдан етиштириш усулида LH-1916 линиясида худди шундай қонуният кузатилган: кўчатдан экиш муддатлари кечиктирилганда катта вазли уруғлик мевалари шаклланди. Уруғлик меванинг ўртача оғирлиги 1352,0 дан 1410,0 г. гача ўзгарган. Кўчатдан етиштиришнинг 20.04 экиш муддатида энг юқори мева вазни 1410,1 г., минимал 1.04 экиш муддатида 1352,2 г. бўлган.

Қовоқчанинг LH-1916 тизмасини уруғдан етиштириш усулида экиш муддатлари уруғлик меваларини ўртача вазнига таъсир кўрсатгани маълум бўлди. Уруғдан етиштиришда уруғлик меванинг вазни 10.04 ва 20.04 муддатларда максимал 1419,5 - 1428,0 г. бўлган, ундан кейин 30.04 муддатдагида (1378,8 г.) ва минимал кўрсаткич 1.04 муддатдагида (1358,9 г.) аниқланган.

Қовоқчанинг LZ-2513 тизмасини кўчатдан етиштириш усулида бир

уруғлик мевадан уруғ чиқиши апрел ойининг I ва II-чи ўн кунлигида экиш муддатида энг яхши кўрсаткичлари аниқланган ва мос равишда 25,7 ва 24,8 г. ни ташкил этган. Кечиктирилган (20.04 ва 30.04) экиш муддатларида бу кўрсаткичлар олдинги муддатларга нисбатан паст бўлиб, 23,4-23,9 г. гача ўзгарган (4-расм).



